

**“IshONCh sug’urta kompaniyasi” АЖ ҚК**  
**Акциядорларининг**  
**2022 йил 7 апрелдаги умумий йиғилиши**  
**қарори билан**  
**“ТАСДИҚЛАНГАН”**  
**Йиғилиш раиси**



*Хамидов Б.С.*  
\_\_\_\_\_ Хамидов Б.С.

**“IshONCh sug’urta kompaniyasi” АЖ ҚК КУЗАТУВ КЕНГАШИ**

**ТЎҒРИСИДА**

**НИЗОМ**

**Тошкент ш.– 2022 йил.**

## МУНДАРИЖА

- I. Умумий қоидалар
- II. Кузатув кенгашининг ваколатлари
- III. Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш, тайинлаш ва уларнинг ваколатларини муддатдан олдин бекор қилиш
- IV. Кузатув кенгашининг раиси
- V. Кузатув кенгашининг йиғилиши
- VI. Кузатув кенгаши аъзоларининг ҳуқуқлари ва вазифалари
- VII. Кузатув кенгаши аъзоларининг жавобгарлиги

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

- 1.1. Мазкур Низом “IShONCh sug’urta kompaniyasi” Акциядорлик жамияти кўшма корхонаси (кейинги ўринларда – “Жамият”) Кузатув кенгаши мақомини белгилайди ва унинг фаолиятини, аъзолари сайланишини, шунингдек улар ҳуқуқлари ва вазифаларини тартибга солади.
- 1.2. Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, қонун ҳужжатлари ва Жамият Устави билан Акциядорлар умумий йиғилиши ваколатига тегишли бўлган масалаларни ҳал қилиш бундан мустасно.
- 1.3. Кузатув кенгаши аъзолари ўртасида вазифалар тақсимланиши Кузатув кенгаши раиси томонидан Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси учун алоҳида амалга оширилади. Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси учун ҳақ миқдори фаолият самарадорлигига қараб белгиланади.
- 1.4. Низом қонун ҳужжатларига ва Жамият Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

### II. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

- 2.1. Жамият Кузатув кенгашининг ваколатлари қуйидагилардан иборат:
  - Жамият Ижроия органининг Жамият ривожланиш стратегияларига эришиш бўйича қўлланилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботини мунтазам равишда тинглаб борган ҳолда, Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
  - Акциядорлар йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақиритиш, қонун ҳужжатлари билан назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно;
  - Акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибини тайёрлаш;
  - Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
  - Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш учун Жамият акциядорлар реестри тузиладиган санани белгилаш;
  - Жамият Уставининг 10.6-банди а) ва г)-кичик бандларида қайд этилган масалаларни Акциядорлар умумий йиғилишига қарор қабул қилиш учун киритиш;
  - мулкларнинг бозор қиймати белгиланишини ташкиллаштириш;
  - Жамият томонидан кўшимча акцияларни жойлаштириш орқали Жамият устав фондини ошириш масалаларини, шунингдек Жамият устав фонди оширилиши ва Жамиятнинг эълон қилинган акциялари сони камайиши билан боғлиқ Жамият Уставига ўзгартишлар ва кўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;
  - қимматли қоғозлар эмиссияси тўғрисидаги қарор ва маълумотномани тасдиқлаш;
  - аввалги чиқарилган рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозларга ўзгартишлар ва кўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
  - аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текширувидан ташқари), аудиторлик ташкилотини, унинг хизматлари учун энг юқори тўлов миқдорини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилиш ва у билан шартномаларни тузиш (бекор қилиш);
  - қонун ҳужжатларига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархларини белгилаш;

- Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш. Бунда, Жамиятнинг келгуси йил учун бизнес-режаси Жамиятнинг Кузатув кенгаши йиғилишида жорий йил 1 декабрдан кечиктирилмаган ҳолда тасдиқланиши керак;
- Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга конвертацияланадиган облигациялар чиқарилиши тўғрисида қарор қабул қилиш;
- қимматли қоғозлар ҳосилалари чиқарилиши тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Жамият корпоратив облигацияларини сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Жамият Ижроия органини ташкил этиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), унинг ваколатларини муддатдан олдин бекор қилиш;
- Жамият Ижроия органига тўланадиган пул мукофотлари ва компенсациялар миқдорларини белгилаш;
- корпоратив консультантни тайинлаш ва унинг фаолият тартибини белгилайдиган низомни тасдиқлаш;
- Ички аудит хизматини ташкил этиш, унинг ходимларини тайинлаш ва “Ички аудит хизмати тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш, шунингдек йилнинг ҳар чорагида унинг ҳисоботларини тинглаш;
- Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган пул мукофотлари ва компенсациялар миқдорлари бўйича тавсиялар бериш;
- Жамият Ижроия органи фаолиятига тегишли ҳар қандай ҳужжатлардан фойдаланиш ва уларни Ижроия органдан Жамиятнинг Кузатув кенгашига юклатилган вазифаларни бажариш учун олиш. Олинган ҳужжатлар Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари томонидан фақат хизмат мақсадларида ишлатилиши мумкин;
- Дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби бўйича тавсиялар бериш;
- амалдаги қонун ҳужжатлари ва Жамият Устави билан назарда тутилган йирик битимларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш (Жамият Кузатув кенгашининг йирик битимни тузиш масаласи бўйича ҳамфикрлигига эришилмаган ҳолатда, Кузатув кенгаши қарори бўйича йирик битимни тузиш тўғрисидаги масала Акциядорлар умумий йиғилишига қарор қабул қилиш учун киритилиши мумкин);
- Жамиятнинг захира ва бошқа фондларидан фойдаланиш (дивидендларни тўлаш фондидан ташқари);
- филиаллар ташкил этиш, шунингдек Жамият ваколатхоналарини очиш ва ёпиш;
- қонун ҳужжатлари билан назарда тутилган ҳолатларда аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- шўъба ва тобе ҳўжалик жамоаларини ташкил этиш;
- фақат Акциядорлар умумий йиғилиши ва қонун ҳужжатлари билан белгиланган доираларда хайрия (ҳомийлик) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) шартлари ва бу тўғрисида қарор қабул қилиш тартибини белгилаш;
- Акциядорлар умумий йиғилиши қарори бўйича мустақил профессионал ташкилотлар – консультантлар жалб қилинган ҳолда, бизнес-жараёнлар ва лойиҳаларнинг Жамият ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги юзасидан йиллик таҳлилини ўтказиш;
- Жамият Ижроия органи томонидан аффилиланган шахслар билан битимлар ва йирик битимлар мустақил равишда тузилиши учун Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан Жамиятнинг жорий ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни белгилаш масаласи кўриб чиқилишини таъминлаш;
- Жамият Ички аудит хизматига ички назоратни, шу жумладан устав капиталининг 50 фоизидан кўпроғи Жамиятга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан назоратни амалга ошириш бўйича ваколатлар бериш;
- Жамият ички назорат органларининг (Тафтиш комиссияси ва Ички аудит хизмати) Кузатув кенгаши, Акциядорлар умумий йиғилиши ва акциядорлар билан ўзаро ҳамкорлик тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;
- Акциядорлар умумий йиғилишида Жамиятнинг 5 йилдан ортиқ давр учун узоқ муддатли ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

- Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган узоқ муддатли ривожланиш стратегияси асосида қисқа муддатли (йиллик) ва ўрта муддатли (5 йилгача даврга) бизнес-режаларни ишлаб чиқиш ва Акциядорлар умумий йиғилишига ёки Кузатув кенгашига тасдиқлаш (маъқуллаш) учун киритиш;
- Жамиятда қабул қилинган ривожланиш режаларининг ҳар бирида белгиланган мақсадларга эришиш мониторингини амалга ошириш имконини берадиган керакли сон ва сифат мезонларини жорий қилиш;
- Жамиятда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш, буни амалга ошириш учун мустақил ташкилотни жалб қилиш тавсия этилади;
- зарур ҳолларда, тааллуқли масалалар юзасидан, шу жумладан низоли вазиятларни ҳал қилиш учун Кузатув кенгаши, Ижроия органи аъзолари, Жамият ходимлари ва жалб қилинган экспертлар орасидан ишчи гуруҳларни ташкил этиш;
- Кузатув кенгаши йиғилишларини ўтказиш тартиби ва ҳолатларини сўровнома орқали, шунингдек видео-конференция алоқа режимида тартибга солади;
- Акциядорлар умумий йиғилишининг аудио-видео ёзувлари ва Интернет тармоғида намоишига рухсат бериш масалаларини Акциядорлар умумий йиғилиши раиси ваколатларига киритиш;
- қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотларида иштироки билан боғлиқ битимлар тузиш.

**2.2.** Жамиятнинг Кузатув кенгаши ваколатларига қонун ҳужжатлари ва Жамият Уставига мувофиқ бошқа масалаларни ҳам ҳал қилиш киритилиши мумкин.

**2.3.** Жамиятнинг Кузатув кенгаши тааллуқли масалалар юзасидан, шу жумладан низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал қилиш учун Кузатув кенгаши, Ижроия органи аъзолари, Жамият ходимлари ва жалб қилинган экспертлар (тегишли соҳа мутахассислари, ихтисослашган олий ўқув муассасалари ўқитувчилар таркиби ва х.к.) орасидан қўмиталарни (ишчи гуруҳларини) ташкил этишга ҳақлидир.

**2.4.** Кузатув кенгаши Жамият ташкилий тузилмасининг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини мунтазам равишда баҳолаш, ишлаб чиқиш ва жорий қилиш бўйича ишлар ўзаро мувофиқлаштирилишини таъминлайди.

**2.5.** Жамиятнинг Кузатув кенгаши қарори бўйича Жамиятда корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш энг камида йилига бир марта ўтказилади. Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш учун мустақил ташкилотни танлаш Кузатув кенгаши қарори бўйича танлов асосида амалга оширилади.

**2.6.** Жамиятнинг Кузатув кенгаши ваколатларига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамият Ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

### **III. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИ САЙЛАШ, ТАЙИНЛАШ ВА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИНИ МУДДАТДАН ОЛДИН БЕКОР ҚИЛИШ**

**3.1.** Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш амалдаги қонун ҳужжатлари ва Жамият Устави билан назарда тутилган тартибда Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан 3 йил муддатга амалга оширилади.

**3.2.** Жамиятнинг Кузатув кенгашининг миқдорий таркиби 3 кишидан иборат.

**3.3.** Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган ҳолда қайта сайланишлари мумкин.

**3.4.** Жамият Бошқарув аъзолари Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланишлари мумкин эмас.

**3.5.** Жамиятда меҳнат шартномаси (контракти) бўйича ишлаётган шахслар ушбу Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари бўлишлари мумкин эмас.

• Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга қўйиладиган талаблар Жамият Устави ёки Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган қарор билан белгиланиши мумкин. Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига олий маълумотли номзодлар сайланиши мумкин.

**3.6.** Акциядорлар умумий йиғилиши қарори бўйича Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига энг камида бир нафар (бирок Устав билан назарда тутилган Кузатув кенгаши аъзолари сонининг 15 фоизидан кам бўлмаган ҳолда) мустақил аъзо киритилиши мумкин.

**3.7.** Жамият Кузатув кенгашининг мустақил аъзолари қуйидаги шахслардан иборат бўлиши мумкин:

- Жамиятда, унинг шўба ёки аффилиланган корхоналарида сўнгги 3 йил мобайнида ишламаган;
- Жамият, унинг шўба ёки аффилиланган корхоналарига консултив хизматлар кўрсатувчи компаниялар билан боғлиқ бўлмаган;
- Жамият, унинг шўба ёки аффилиланган корхоналарининг аҳамиятли мижози ёки етказиб берувчиси билан боғлиқ бўлмаган;
- Жамият, унинг шўба ёки аффилиланган корхоналари билан хизмат кўрсатиш учун шахсий контрактларга эга бўлмаган;
- сўнгги 5 йил мобайнида Жамият, унинг шўба ёки аффилиланган корхоналари раҳбар ходими бўлиб ишлаётган ёки ишлаган шахснинг оила аъзоси ҳисобланмаган;
- Жамиятнинг назорат қилувчи шахси (АЖ устидан жамоавий назоратни амалга оширадиган ташкилотлар ва/ёки шахслар гуруҳи аъзоси) ҳисобланмаган;
- Жамият билан фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар орқали боғлиқ бўлмаган ва Жамият йирик акциядори ходими ҳисобланмаган шахслар.

**3.8.** Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари сайловлари кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

**3.9.** Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланаётган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор бундай тарзда олинган овозларни тўлиқ бир номзод учун беришга ёки уларни икки ва ундан кўпроқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир.

**3.10.** Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Кузатув кенгаши таркибига сайланган ҳисобланади.

**3.11.** Кузатув кенгашига сайланган аъзонинг ваколатларини муддатдан олдин бекор қилиш Акциядорлар умумий йиғилиши қарори бўйича амалга оширилади. Бунда, Акциядорлар навбатдаги умумий йиғилиши чақирилгунгача Кузатув кенгаши аъзосининг вазифалари бажарилишини давом эттириш имконият йўқлиги тўғрисида маълум қилган Кузатув кенгаши аъзоси йиғилишларда иштирок қилмайди. Қарорларни қабул қилиш қонунийлиги амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

**3.12.** Кузатув кенгаши таркибига қўшимча сайловлар тўғрисидаги масала Кузатув кенгаши аъзолари ваколатларини муддатдан олдин бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган Акциядорлар умумий йиғилишида кўриб чиқилади.

#### **IV. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ РАИСИ**

**4.1.** Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши аъзолари томонидан Кузатув кенгаши таркибидан Кузатув кенгаши аъзолари умумий сонидан кўпчилик овоз билан сайланади.

**4.2.** Жамиятнинг Кузатув кенгаши ўз раисини Кузатув кенгаши аъзолари умумий сонидан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақлидир.

**4.3.** Жамиятнинг Кузатув кенгаши раиси унинг фаолиятини ташкиллаштиради, Кузатув кенгаши йиғилишларини чақиради ва уларда раислик қилади, йиғилишларда баённома юритилишини ташкиллаштиради, Акциядорлар умумий йиғилишига раислик қилади.

**4.4.** Жамиятнинг Кузатув кенгаши раиси бўлмаган ҳолатда, унинг вазифалари Кузатув кенгаши аъзолари бири томонидан бажарилади.

#### **V. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ ЙИГИЛИШИ**

**5.1.** Жамиятнинг Кузатув кенгаши йиғилиши Кузатув кенгаши раиси томонидан унинг шахсий ташаббусига кўра, Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси аъзоси, Жамият Бошқарув аъзолари, Жамият оддий акцияларининг энг камида 1 фоизи эгалари ва Жамият Ички аудит хизмати бошлигининг талабига кўра чақирилади. Жамиятнинг Кузатув кенгаши йиғилиши Кузатув кенгаши раиси томонидан йилнинг ҳар чорагида энг камида бир марта чақирилади.

**5.2.** Жамиятнинг Кузатув кенгаши йиғилишини ўтказиш учун кворум Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланган аъзолар сонининг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

**5.3.** Кузатув кенгаши аъзолари сони Устав ва мазкур Низом билан назарда тутилган соннинг етмиш беш фоизидан кам бўлган ҳолатда, Жамиятнинг Кузатув кенгаши янги таркибини сайлаш учун Акциядорлар навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари бундай Акциядорлар навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек Жамият директори ваколатлари муддатдан олдин бекор қилинган ҳолатда унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

**5.4.** Жамиятнинг Кузатув кенгаши йиғилишида қарорлар йиғилишда иштирок қилаётганлар кўпчилик овозлари билан қабул қилинади, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва Жамият Устави билан назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно. Жамият Кузатув кенгашида масалаларни ҳал қилишда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши аъзолари овозлари тенг бўлган ҳолатда ҳал қилувчи овоз бериш ҳуқуқига эга.

Мазкур Низомнинг 2.1-банди саккизинчи ва йигирма тўртинчи хатбошида қайд этилган масалалар бўйича қарор Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.

**5.5.** Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси томонидан овознинг Кузатув кенгаши бошқа аъзосига ёки учинчи шахсга ўтказилишига йўл қўйилмайди.

**5.6.** Жамиятнинг Кузатув кенгаши йиғилишида баённома юритилади. Йиғилиш баённомаси юритилиши Кузатув кенгаши котиби томонидан амалга оширилади.

**5.7.** Кузатув кенгаши йиғилишининг баённомаси йиғилиш ўтказилгандан сўнг 10 кундан кечиктирилмай тузилади.

**5.8.** Йиғилиш баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой;
- мажлисда иштирок этадиган, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этадиган шахслар;
- йиғилиш кун тартиби;
- овозга қўйилган масалалар, улар бўйича овоз бериш яқунлари;
- қабул қилинган қарорлар.

**5.9.** Жамиятнинг Кузатув кенгаши йиғилиши баённомаси Жамият Кузатув кенгаши йиғилиши иштирокчилари томонидан имзоланади, улар баённома тўғрилиги учун жавобгар бўладилар.

**5.10.** Жамият Кузатув кенгаши йиғилишининг баённомаси имзоланган кунда Жамият Ижроия органига ижро учун топширилади. Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан Акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳолатда, мазкур қарор тўғрисида ахборот Жамият Ижроия органига Кузатув кенгаши йиғилиши ўтказилган кунда топширилади.

**5.11.** Жамиятнинг Кузатув кенгаши қарорлари Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан сиртки овоз бериш (сўровнома) орқали бир овоздан қабул қилиниши мумкин. Бундай ҳолатда Жамиятнинг Кузатув кенгаши қарори расмийлаштирилади, унда Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан имзоланадиган йиғилиш кун тартиби ва қабул қилинган қарорлар кўрсатилади.

## **VI. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ**

**6.1.** Кузатув кенгаши аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Кузатув кенгаши йиғилишида шахсан иштирок қилиш, йиғилишда муҳокама қилинадиган масала бўйича регламент билан белгиланган вақт доирасида сўзга чиқиш;
- Кузатув кенгаши қарори бўйича муайян давр учун Жамият фаолияти, уни ривожлантириш режалари тўғрисида маълумотлар олиш;
- Кузатув кенгашидаги иш учун қонун ҳужжатлари ва Жамият ички ҳужжатлари билан белгиланган тартибда пул мукофоти ва (ёки) компенсация олиш. Бунда Кузатув кенгаши аъзоларига пул мукофотлари миқдори Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Пул мукофотлари миқдори корпоратив бошқарув тизимини ва Жамият фаолияти молиявий натижаларини мустақил баҳолаш ҳулосалари билан боғлиқдир.

**6.2.** Кузатув кенгаши аъзоси қуйидаги мажбуриятларга эга:

- Жамият билан битимлар тузишда Жамиятни мўлжалланган битим, тегишли шартноманинг муҳим шартлари тўғрисидаги маълумотлар батафсил кўрсатилган билдириш хатини юбориш орқали ўз аффилиланганлиги тўғрисида хабардор қилиш;
  - ўз лавозим вазифаларини виждонан, шунингдек Жамият манфаатларида энг яхши деб ҳисоблаган усул билан амалга ошириш.
- 6.3.** Кузатув кенгаши аъзолари Жамият имкониятларидан (мулкый ёки номулкий ҳуқуқлардан, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлардан, Жамият фаолияти ва режалари тўғрисидаги ахборотдан) шахсий бойиш мақсадларида фойдаланишга ҳақли эмаслар.

## **VII. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

- 7.1.** Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз вазифаларини бажаришда Жамият манфаатларида ҳаракат қилишлари керак ҳамда қонун ҳужжатларига ва Жамият Уставига мувофиқ Жамият олдида жавобгар бўладилар.
- 7.2.** Бир неча шахслар жавобгар бўлган ҳолатда, улар Жамият олдида биргаликда жавобгар бўладилар.
- 7.3.** Жамиятга зарар етказилишига олиб келган қарор учун овоз беришда иштирок қилмаган ёки бундай қарорга қарши овоз берган Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайдилар.
- 7.4.** Жамият жойлаштирилган акцияларининг жами бир фоизидан кўпроғига эга Жамият ёки акциядор (акциядорлар) Жамиятга етказилган зарарлар ўрнини тўлдириш тўғрисида Кузатув кенгаши аъзосига нисбатан даъво билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир.